Ўзбекистон 2020
январь

Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

№8 (357)
2020 йил 28 январь, сешанба
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta
Строитель Узбекистана

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

# ТИББИЁТ ВА ИЛМ-ФАН СОҲАЛАРИДА ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, ҚЎШИМЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 27 январь куни соғлиқни сақлаш соҳасини ва илм-фан йўналишларини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Сўнгги йилларда тиббиёт соҳасининг бирламчи, тез тиббий ва ихтисослашган ёрдам бўғинларида муҳим ислоҳотлар амалга оширилди. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 декабрдаги фармонига мувофиқ, 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси тасдиқланди.

Касалликни профилактика қилиш учун врачлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар ходимлари уйма-уй юриб, аҳолини патронаж билан қамраб олиши, ҳудудий шифохоналар билан маълумот алмашинуви тўлиқ йўлга қўйилиши зарурлиги қайд этилди. Бунда тиббий маданиятни ошириш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Йиғилишда тиббиёт тизимини илғор хорижий стандартлар асосида ташкил этиш, аҳолининг соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланишини янада кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

16 та ихтисослашган марказ касалликлар кўрсаткичини таҳлил қилган ҳолда, уларнинг олдини олиш чораларини кўриши, ўз фаолиятини ҳудудларда ташкил этиб, бирламчи тизим билан хамкорликда ишлаши зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Ушбу марказларни янада ривожлантириш учун хусусий ва хорижий инвестициялар йўналтириш муҳимлиги қайд этилди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш хизматини янада яхшилаш, туғиш ёшидаги аёллар тиббий кўригини тизимли ташкил этиш, касалликка чалинганларни соғломлаштириш бўйича аниқ иш режа ишлаб чиқиш юзасидан топшириқлар берилди.

Шу ўринда Тошкент шаҳри тез тиббий ёрдам хизмати чақириқларни автоматик қабул қилиш ва ижро этиш бўйича тўлиқ рақамлаштирилгани ҳамда 150 та махсус «Форд» автомобиллари билан таъминланганини қайд этиш лозим.

Давлатимиз раҳбари ушбу тизимни 2020-2021 йилларда юртимизнинг барча ҳудудларига босқичма-босқич татбиқ этиш, шошилинч ва тез тиббий ёрдам хизматини кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Тиббиёт муассасаларини таъмирлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Инвестиция дастурига мувофиқ, тиббиёт муассасаларини жиҳозлаш учун жорий йилда халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилиш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда соҳада кадрлар таъминоти, малакаси ва салоҳияти танқид қилинди. Ҳозирда соғлиқни сақлаш тизимида 75 минг нафар врач фаолият юритмоқда. 2 минг 900 та умумамалиёт шифокори, 10 мингта тор мутахассис етишмайди. Илмий изланиш натижаларини ҳаётга жорий этиш 5 фоиздан ҳам ошмайди.

Президентимиз мутахассисларни давлат буюртмаси асосида манзилли тайёрлаш, мақсадли квоталарни туман, қишлоқ ва иш жойи кўрсатилган ҳолда шакллантириш зарурлигини таъкидлади.

Тиббиётда илм-фанни ривожлантириш, илмий изланишларнинг устувор йўналишларини қайта кўриб чиқиш бўйича топшириқлар берилди.

Маълумки, 2020 йил Ўзбекистонда Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили деб эълон қилинди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида ҳар йили илм-фаннинг бир нечта устувор йўналишини ривожлантириш зарурлигини таъкидлади.

Хусусан, жорий йилда математика, кимё-биология, геология каби йўналишларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар фаоллаштирилиб, олимларга барча шарт-шароит яратиб берилади. Шунингдек, илм-фан соҳасида фундаментал ва инновацион тадқиқотлар учун мақсадли грант маблағларини ажратиш механизми тубдан қайта кўриб чиқилади.

Йиғилишда мутасаддиларга шу борадаги ишларни тизимли ташкил этиш, туб ислоҳотларни мактаб таълимидан бошлаб илмий-тадқиқот муассасаларигача қамраб олиш бўйича топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари фаннинг белгиланган соҳаларига ҳам моддий, ҳам маънавий эътиборни кучайтириш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

ЎзА.

# ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ ЮҚОРИ САВИЯДА ЎТАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 27 январь куни Тошкент халқаро инвестиция форумини юқори савияда ташкил этиш масаласи бўйича йиғилиш ўтказди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда инвестиция муҳити янада яхшиланди. Бу борадаги қонунчилик янгиланиб, инвесторлар учун ҳуқуқий кафолатлар мустаҳкамланди.

Якунига етган Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида инвестициялар ҳажми сезиларли даражада ошди. Айниқса, тўғридан-тўғри хорижий сармоялар 4,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 3,1 миллиард доллар ёки 3,7 баробар ўсди.

Давлатимиз раҳбари куни кеча Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида иқтисодиётни юқори суръатлар билан ривожлантириш учун фаол инвестиция сиёсати изчил давом эттирилиши, жорий йилда ўзлаштириладиган инвестицияларнинг салмоқли қисми тўғридан-тўғри хорижий сармоялар ва кредитлар бўлишини алоҳида қайд этди.

Хусусан, 2020 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига 5,8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш белгиланган. Шу мақсадда март ойида Тошкент халқаро инвестиция форуми ўтказилиши режалаштирилган.

Форумнинг асосий мақсади иқтисодиёт драйверлари ҳисобланган энергетика, машинасозлик, электротехника, ахборот технологиялари, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати, қурилиш соҳалари ҳамда ҳудудларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтиришдир.

Йиғилишда ушбу анжуманни юқори савияда ташкил этиш борасида аниқ ташкилий вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига тармоқ ва ҳудудлар раҳбарлари билан бирга хорижий инвесторларга таклиф этиладиган истиқболли лойиҳалар бўйича тақдимот материаллари тайёрлаш вазифаси қўйилди.

Ҳудудий лойиҳаларни амалга ошириш учун маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва хорижий инвесторлар ўртасида бевосита ҳамкорлик ўрнатишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Ташқи ишлар вазирлигига етакчи хорижий компаниялар, халқаро молия ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакилларини форумга жалб этиш бўйича топшириқлар берилди.

Анжуман ўтказиладиган жойларни юқори савияда тайёрлаш, уни оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб этиш ва ёритиб бориш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Мутасаддилар форумга тайёргарлик ишлари ва эришилиши мўлжалланаётган келишувлар ҳақида ҳисобот берди.

ЎзА.

# МТТнинг замонавий биноси

**Қорақалпоғистон Республикаси Қанликўл туманидаги 13-сонли давлат мактабгача таълим ташкилоти замонавий бинога эга бўлди.**

125 ўринга мўлжалланган икки қаватли бино «Нукус қурилиш монтаж сервис» масъулияти чекланган жамияти томонидан сифатли қуриб битказилди. Бунинг учун умумий қиймати 3 миллиард 352 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Муассасада келажак ворисларининг замон талаблари асосида тарбияланиши учун барча шароит яратилган. Гуруҳ хоналари керакли жиҳозлар, юмшоқ ўйинчоқлар ва ўқув қуроллари билан таъминланган.









**Суратларда:** Қорақалпоғистон Республикаси Қонликўл туманидаги 13-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида.

**Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

БУГУНГИ СОНДА:



Кичик саноат зоналари қандай ишламоқда? 3



Приглашение для участия в национальных конкурсных торгах 4



Талабалар билан мулоқот 6

# 2020 йил – «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йилнинг 24 январь куни Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида 2020 йилга ана шундай ном берди. «Жонажон Ўзбекистонимиз янги ўн йилликка қадам қўймоқда. Эришган натижаларимиз тарихга айланиб, олдимизда янги-янги ўзгаришларни амалга ошириш бўйича улкан вазифалар ва имкониятлар пайдо бўлмоқда», деди давлат раҳбари дастлаб ўз Мурожаатномасида. Шу боис, биргаликда мамлакатимизни 2020 йил ва келгуси 5 йилда ривожлантириш бўйича, устувор йўналиш ҳамда вазифаларни белгилаб олишимиз лозимлигини таъкидлади.**

Жумладан, мамлакатимиз Президенти қурилиш соҳаси иқтисодиётимизнинг муҳим «драйвер»ларидан бирига айланганини эътироф этар экан, соҳани 2025 йилгача изчил ривожлантиришга қаратилган дастур ишлаб чиқилиши зарурлигини айтиб ўтди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасига икки ой ичида қурилиш соҳасини 2025 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишга доир топшириқ берилди.

Президентимиз Мурожаатномада жорий йилда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича туб бурилиш қилиш кераклигини алоҳида таъкидларкан, бу жараёнда биринчи навбатда, қурилиш, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт, геология, кадастр, соғлиқни сақлаш, таълим, архив соҳаларини тўлиқ рақамлаштириш лозимлигини қайд этди. Шунингдек, «Электрон ҳукумат» тизимини, амалга оширилаётган дастурлар ва лойиҳаларни танқидий қайта кўриб чиқиб, барча ташкилий ва институционал масалаларни комплекс ҳал этиш зарурати борлигини маълум қилди.

Бугун мамлакатимизда аҳолининг фаровон ҳаёт кечириши учун барча зарур ташкилий чора-тадбирлар кўрилиб, буни биз шаҳару қишлоқларимизда қад кўтараётган бино ва иншоотлар, турли ижтимоий соҳа объектларининг қурилиши мисолида гувоҳ бўлиб турибмиз. Ана шу эзгу ишларни давом эттириб, қолаверса урбанизация жараёнларини жадаллаштирган ҳолда, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш кераклиги давр тақозоси экани борасидаги фикрлар Давлат раҳбари мурожаатида ўз аксини топди.

Газетамизнинг 2- ва 5-саҳифаларида Давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномасига соҳамиз вакилларининг муносабатлари билан батафсил танишингиз мумкин. Уларда мазкур мурожаатноманинг мазмун-моҳияти ҳамда ундан келиб чиқиб амалга ошириладиган вазифалар ҳақида сўз юритилган,

O'ZBEKISTON BUNYODKORI СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№8 (357) 2020 йил 28 январь

# 2020 йил – «Илм, маърифат ва рақамли

*Шерзод ҲИДОЯТОВ,*
*Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари.*



## 2020 йил – қурилиш соҳасида ривожланиш йили бўлади

**Муҳтарам Президентимизнинг Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида вазирлик ва идораларга жорий йил ва келгуси беш йилда амалга ошириладиган муҳим лойиҳалар бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди. Шу жумладан, қурилиш соҳасини ҳам янги босқичга кўтариш, рақамли технологиялар иш фаолиятимизнинг асосини ташкил этиши лозимлиги кўрсатиб берилди.**

Давлатимиз раҳбари Мурожаатномада «Қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг муҳим «драйвер»ларидан бирига айланди. Бу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 6 фоиздан ошгани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлаб турибди», дея таъкидлаб, соҳани ривожлантириш учун нормативларни халқаро стандартлар билан ўзаро уйғунлаштириш зарурлигини қайд этди. Албатта, бу вазифалар бизга катта масъулият юклайди. Вазирлик Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда икки ой муддатда шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини қайта кўриб чиқиш учун малакали хорижий экспертларни жалб қилиш борасида аниқ режаларни тузиб олган. Жорий йилда жами 196 та янги нормаларни ишлаб чиқиб, амалиётга кенг жорий этишни мўлжаллаяпмиз. Бу борадаги ишларимиз 2025 йилга қадар давом этади. Маҳаллий ва хорижий инвесторлар замонавий ва мураккаб объектларни қуришларида ҳеч қандай муаммога дуч келмасликлари лозим. Шаҳарларимиз кўриниши тубдан ўзгариши, юртимизда ҳам илғор давлатлардаги каби жозибадор лойиҳалар амалга оширилишига эришиш бош мақсадимиздир.

Соҳага замонавий технология ва қурилиш материалларини татбиқ этиш билан бир қаторда соҳа учун кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишимиз зарурлиги таъкидланди. Ҳозирда таълим сифатини яхшилаш, тизимда ривожланган илғор давлатларнинг услубларини қўллаш бўйича амалий ишларни бошлаб юборганмиз. Вазирлик тизимидаги олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида малакали ишчи мутахассисларни тайёрлаш бўйича аниқ режалар тузилган. Таълим масканларида замонавий педтехнологияларни қўллаш, уларнинг моддий-техник базасини яхшилаш, лабораториялар ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Пировард натижа, ёш кадрларнинг билим даражасини оширишдан иборат. Шунингдек, Ўзбекистонда илғор давлатларнинг архитектура ва қурилиш йўналишидаги олий таълим муассасалари филиалларини очиш борасида ҳам тегишли тартибда музокаралар олиб бормоқдамиз.

Мутахассисларни лойиҳалаш ва қурилиш соҳасида замонавий дастурий таъминотлар, хусусан БИМ (BIM) технологиялари билан ишлашга ўргатиш муҳимдир. Шунингдек, қурилиш соҳаси бўйича таълим олаётган талабаларни йирик қурилиш-пудрат лойиҳаларига бириктириб, уларга ишбай асосида ҳақ тўлаш тизимини ҳам жорий қилишни ўз олдимизга мақсад қилдик.

Бугунги кунда олдимизда турган энг долзарб вазифалар бу тендерлар тизимини ишлаб чиқиш ва соҳада ахборот технологияларини кенг жорий этишдан иборатдир. Бу борада бизда амалий ишлар бошлаб юборилган, хусусан:

геоахборот тизимига Ўзбекистон Республикасининг шаҳарсозлик бош режалари жойлаштирилади, уни жорий йилнинг 1 мартидан ишга туширамиз. Эндиликда юртимизда иш бошламоқчи бўлган хорижий инвесторлар қаерда, қандай қурилиш ишларини олиб боришлари мумкинлигини шу тизим орқали бемалол билиб олишса бўлади;

қурилиш назоратини тўлиқ рақамлаштирамиз, бу билан аввало қурилиш соҳасидаги назорат инспекторларига қулайлик яратилади. Натижада назорат яхшиланади. Ишнинг сифати ошиб, унга бўлган вақт сарфи ҳам анчагина камаяди. Шунингдек, жараён рақамлаштирилгандан сўнг вазирлик мутасаддиларининг инспекторлар фаолиятини тўлиқ назорат қилишига эришилади. Натижада, коррупциянинг олди олиниб, жараён шаффофлашади. Бу ўз навбатида тадбиркор пудратчилар ишини ҳам осонлаштиради. Ортиқча сарсонгарчилик ва қоғозбозликка барҳам берилади.

*Жалгасбай БЕРДИХАНОВ,*
*Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазири.*

## Ишимизнинг дастуруламали

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳозирги вақтда қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг муҳим «драйвер»ларидан бирига айланганини таъкидлаб ўтди.

Шуларнинг исботи сифатида 2019 йилнинг Инвестиция дастурига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича жами 386 млрд сўмлик 237 та ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектлари, Нукус шаҳрида 5 қаватли 10 та 450 хонадонга мўлжалланган турар жойлар тўлиғи билан ўз муддатида ва сифатли қуриб битказилиб, фойдаланишга топширилди. Биринчилар қаторида Нукус шаҳрида Президент мактаби бунёд этилиб, иқтидорли болажонларни ўз бағрига олди.

«Обод қишлоқ дастурини 2019 йилда амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4201-сон қарори билан 36 та мактаб, 26 та мактабгача таълим ва 16 та соғлиқни сақлаш муассасалари фойдаланишга топширилди.

Архитектура ва қурилиш соҳасини бошқаришнинг самарали механизмларини жорий этиш ҳудудларнинг замонавий қиёфасини тузиш, тадбиркорлар учун қулай шароитлар яратишга қаратилган шаҳарсозлик ишларини сифат томонидан янги даражага кўтаришнинг аҳамиятли вазифаси бўлиб ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, 2020 йилда Қорақалпоғистон Республикасида 12 та шаҳар, 26 та шаҳар типидаги посёлкалар ҳамда 142 та қишлоқ фуқаролик йиғинлари бош режалари билан тўлиқ таъминланади.

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича 2020 йилги инвестиция дастурига жами 174 та, шундан 59 та ижтимоий соҳа (13 та соғлиқни сақлаш, 18 та умумтаълим мактаблари, 23 та мактабгача таълим, 2 та олий таълим, 1 та Олимпия захиралари мактаби ва 2 та спорт объекти) ва 115 та инфратузилма объектлари киритилган бўлиб, лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилди.

Шунингдек, Давлатимиз раҳбари ўз Мурожаатномасида уй-жой қурилишига хусусий секторни фаол жалб қилмасдан туриб, аҳолининг уй-жойга бўлган талабини тўлиқ таъминлаш мумкин эмаслигини ва шу сабабли янги ипотека тизими жорий этилаётганини таъкидлаб ўтди. Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасининг 14 та туманида уй-жой қурилишига хусусий секторни жалб қилиш мақсадида ер майдонлари танланиб схема таклиф вариантлари ишлаб чиқилди.

Жорий йилда Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Нукус шаҳри марказида «Nukus Sity» лойиҳаси қурилиши бошлаб юборилди.

Албатта, буларнинг барчаси халқимиз фаровонлиги йўлида қилинаётган ишлардир. Қорақалпоғистон Республикасида фаолият юритаётган қурилиш соҳаси ходимлари Мурожаатномада соҳа ходимларига қарата айтилган ҳар бир сўзни йил давомидаги ишларида дастурамал сифатида қабул қиладилар.

*Баҳодир ХЎЖАМАТОВ,*
*Фарғона вилояти қурилиш бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари – вилоят бош архитектори.*

## Олдимизга қўйилган вазифаларнинг бажарилиши таъминланади



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасини тақдим этиб, унда мамлакатимизда илм-фанни янада равнақ топдириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош, иқтисодиётни шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги замонавий босқичга кўтариш мақсадида 2020 йилни «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб эълон қилишни таклиф этди.

Мурожаатномада Президентимиз томонидан республикамизда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва маданий-маърифий йўналишлардаги тараққиётнинг барча соҳаларида 2019 йилда олиб борилган ишлар сарҳисоб қилиниб, 2020 йил ва келгуси 5 йилда ривожланишнинг устувор йўналишлари ва вазифаларини белгилаб берди ҳамда демократик ислоҳотлар йўли энг тўғри йўлимиз эканини, жамият эса ислоҳотлар ташаббускори бўлиши, хорижий тажрибалар асосида янги Ўзбекистонни қураётганимизни, халқимизнинг муносиб турмуш шароитини яхшилаш, уларга муносиб иш ўрни яратиб беришимиз устувор вазифаларимиз экани ҳамда ушбу мақсадларни амалга оширишда ўз кучимизга ишонишимиз, ўқиб билимимизни оширишимиз, ўрганишимиз зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Урбанизация жараёнларини жадаллаштирган ҳолда ҳудудларни комплекс ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш мақсадида, 7 та йирик шаҳарлар – Андижон, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Фарғона, Наманган, Нукусга туташ 12 та йўлдош шаҳарча танлаб олиниб, уларни ривожлантириш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши белгилаб берилди.

Аҳолини, айниқса кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уй-жой қурилишига хусусий секторни фаол жалб этиш ва ипотека тизимини жорий этиш эвазига вилоятлардаги шаҳарлар ва Тошкент шаҳрида 18 мингга яқин ҳамда қишлоқларда 4 мингга яқин уй-жой хусусий сектор томонидан қурилиши ва банкларга аукционлар орқали маблағлар ажратилиши, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бошланғич бадал ва кредит фоизини қоплашга бюджетдан субсидиялар ажратилиши айтиб ўтилди.

Муҳтарам Президентимизнинг мурожаатномасида белгилаб берилган вазифалар ва талабларнинг бажарилишида қурилиш, жумладан Фарғона вилояти қурилиш бош бошқармаси ходимлари томонидан ҳам бор билим ва тажрибаларни тўлиқ қўллаш, янада ўқиб-ўрганиш, ёш кадрларнинг билимини хорижий тажрибалар асосида янада оширилиши, аҳоли пунктлари ва объектларини замонавий қурилиш материалларини қўллаган ҳолда ва жаҳон андозасида лойиҳалаштириш, сифатини ошириш, юртимиз ободонлигида барчамиз масъулият билан ёндашиб, ўз олдимизга қўйилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлашимиз зарур бўлади.

*Зуфар НАРЗУЛЛАЕВ,*
*«Ўзшаҳар қурилиш инвест» инжиниринг компанияси директори.*

## Мурожаатномани тинглаб...

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида туб бурилиш ясашга хизмат қилувчи ўта муҳим дастур бўлди десак хато бўлмайди.

Мурожаатномада қўйилган энг устувор вазифалар, ташаббуслар, таклифларни бевосита эшитиб, жуда кўп хулосаларга келинди. Чуқур ва аниқ рақамларга асосланган таҳлил, амалий ва танқидий руҳ, салоҳият ва имкониятларимизни сафарбар қилиш ҳақидаги жонкуярлик бизнинг қалбимизга ҳам ўтди. Мурожаатномада одамлар эртага эмас, бугун яхши яшамоғи лозим, деган улуғ мақсад мужассамдир. Халқ дардини эшитадиган, уларнинг оғирини енгил қиладиган бошқарув тизими яратилаётгани эса ислоҳотлар натижасида кўриниб турибди.

Президентимиз Мурожаатномада барча йўналишлар қатори қурилиш соҳасига ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Ўтган йилнинг ўзида 2016 йилга нисбатан салкам 3 баробар кўп арзон ва шинам уйлар қурилди. Бу уйлар кам таъминланган, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож ҳамда ногиронлиги бор оилаларга берилди. Уларга ипотека кредити асосида арзон уй-жой сотиб олиш учун 116 миллиард сўмдан зиёд бошланғич бадал тўлаб берилди. Ҳеч қайси давлат тарихида аҳолини турар жойлар билан таъминлашда бунчалик катта эътибор қаратилмаган. Зотан, янги Ўзбекистонни бирга қурамиз, деган улуғвор мақсадни ўз олдимизга қўйган эканмиз, халқимизнинг, жамиятимизнинг ўзи янгидан-янги ислоҳотларнинг ташаббускори бўлмоғи лозим.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган биргина «Ўзшаҳар қурилиш инвест» инжиниринг компанияси томонидан 3 йилда 1007 та кўп қаватли арзон уй-жойлар бунёд этилди. Ўтган йилнинг ўзида республикамиз шаҳарларида 403 та ана шундай уйлар қад ростлади. Бу уйлар фойдаланишга топширилаётганида халқимизнинг юз-кўзидаги қувончи, бугунги кунга ишончи, жамиятимизда олиб борилаётган ислоҳотларга шукроналик айтаётганини гувоҳи бўлмоқдамиз. Бу неча минглаб инсонларнинг йиллар давомида ушалмаган орзуси эканини кўриб турибмиз.

Халқимиз интиқ кутган ушбу Мурожаатномада Президентимиз қурилишни янада ривожлантириш ва бунинг учун тармоққа замонавий қурилиш технологиялари ва материалларини татбиқ этиш, соҳада ахборот технологияларини кенг жорий этишга ҳам алоҳида эътибор қаратиш бугунги кун талаби эканини айтиб ўтди. Албатта, бизнинг компания ҳам айни вақтда қурилишда янги техналогияларни жорий этиш устида иш олиб бормоқда. Ўтган йилдан бошлаб 16 қаватли уйлар қурилишига асос солингани бу борадаги фикримиз исботидир.

Мухтасар қилиб айтганда, Мурожаатномада айтилган фикрлар барча соҳаларга алоқадорлиги билан халқимизда ва бугунги кунда Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйган мамлакатларда катта қизиқиш уйғотди. «Ўзшаҳар қурилиш инвест» инжиниринг компанияси ҳам аҳоли учун сифатли, арзон ва замонавий уйлар қурилиши билан Мурожаатномада белгилаб берилган вазифалар ижросини ўз вақтида таъминлашни олий мақсад деб билади.

*Олим ХУДОЙНАЗАРОВ,*
*Қашқадарё вилояти қурилиш бош бошқармаси бошлиғи.*

## Қурилиш соҳасидаги теран фикрлар



Қашқадарё вилояти қурилиш бош бошқармаси ишчи ва ходимлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида қурилиш соҳаси юзасидан билдирган фикрларини мамнуният ва кўтаринкилик билан қабул қилишди.

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида қилинган ислоҳотлар юртимиз тарихида бўлмаган, қишлоқлар, маҳаллаларда қурилиш ва ободонлаштириш, айниқса йўллар, инфраструктура, соғлиқни сақлаш ва ўрта таълим мактабларида бажарилган ишлар кўлами беқиёсдир. Шунингдек, «Электрон ҳукумат» тизимини, амалга оширилаётган дастурлар ва лойиҳаларни танқидий қайта кўриб чиқиб, барча ташкилий ва институционал масалаларни комплекс ҳал этиш зарурлиги ҳозирги замонда шиддат билан ривожланаётган Ватанимиз нуфузини янада оширади, деб ўйлаймиз.

Президентимизнинг «Ҳозирги вақтда қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг муҳим «драйвер»ларидан бирига айланди» деган сўзлари биз қурилиш соҳасида фаолият юритаётган ишчи ва ходимларни тўлқинлантириб юборди. Бу соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 6 фоиздан ошгани Давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракатлари натижаси деб биламиз.

Қурилиш соҳаси тармоқларини янада ривожлантириш учун қурилишга оид нормаларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш, замонавий қурилиш технологиялари ва материалларини татбиқ этиш, соҳа учун кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарурлигига эътибор берилгани Президентимизнинг соҳани чуқур билишидан далолатдир.

Шу кунгача қурилишда тендерларни ўтказишнинг аниқ мезонлари ишлаб чиқилмаган эди, Президентимизнинг фикрлари шу соҳада оқсоқлик борлиги, ўзибўларчилик кайфиятидан воз кечиб, ҳозирги замон талаби, соҳада ахборот технологияларини кенг жорий этиш бўйича фикрларини қўллаб-қувватлаймиз.

Уй-жой қурилишига хусусий секторни фаол жалб қилмасдан туриб, аҳолининг уй-жойга бўлган талабини тўлиқ таъминлаш мумкин эмаслиги ва шу сабабли янги ипотека тизими жорий этилиши эса бу йўналишда рақобатга йўл очишга, бу эса ўз-ўзидан турар жойларнинг янада сифатли барпо этилишига замин яратади.

Кам таъминланган аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида Қарши, Шахрисабз шаҳарларида, вилоят туманларида кўп қаватли уй-жойлар қуриш бўйича 2025 йилгача дастурлар ишлаб чиқилгани эса аҳолининг ижтимоий ҳимоясига катта эътибор берилаётганидан далолатдир. Бу фикрларнинг давоми сифатида, Президентимиз Мурожаатида кам таъминланган аҳолини қўллаб-қувватлаш, яшаш тарзини яхшилаш мақсадида, шаҳарларда 16 минг оилага уй-жой олиш учун бошланғич бадал ва кредит фоизини қоплашга бюджетдан 1 триллион сўм субсидия ажратилиши борасида айтилган сўзлар албатта, барча ҳамюртларимизни янада қувонтирди десак муболаға бўлмайди.

Шу вақтгача қурилиш соҳасини ислоҳ қилиш, ривожлантириш, салоҳиятини оширишга доир бўлган фикрлар бу қадар теран ва долзарб бўлмаган.

# Кичик саноат зоналари қандай ишламоқда?

**Фарғона вилоятида ташкил этилган кичик саноат зоналарида ҳозирга қадар 342,6 миллиард сўмлик 52 лойиҳа ишга туширилиб, 1 минг 491 янги иш ўрни яратилди.**




Тадбиркорлик субъектлари томонидан 2018 йилда 1,3 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, ўтган йилда бу кўрсаткич 48,9 миллиард сўмни ташкил этди. 195,75 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди.

Бугунги кунда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, фойдаланилмаётган, фаолият юритмаётган ишлаб чиқариш майдонлари негизида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича замонавий корхоналарни ташкил этишда кичик саноат зоналарининг ўрни катта. Чунки бу ерда зарур шароитлар мавжуд.

– Дирекция томонидан мавжуд кичик саноат зоналари муҳандислик- коммуникация тизими самарадорлигини ошириш, ҳудудларга экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи лойиҳа ташаббускорларини жалб этиш, тадбиркорлар билан елкама-елка туриб, лойиҳаларнинг ўз вақтида ишга туширилиши учун яқиндан кўмаклашиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда, – дейди вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги кичик саноат зоналарини бошқариш бўйича ягона дирекцияси раҳбари Шокиржон Аҳмедов. – Ҳозирги кунда вилоятда умумий майдони 107,2 гектар бўлган 14 кичик саноат зонаси фаолият кўрсатмоқда. 2018 йил февраль ойидан 2019 йилнинг июнь ойига қадар ташкил этилган вилоят эркин иқтисодий



зона ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши тендер комиссияси томонидан ўтказилган танловлар асосида уларда 847,8 миллиард сўмлик умумий қийматга эга бўлган 112 лойиҳа жойлаштирилди. Мазкур лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида вилоятда 4 минг 541 янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 21 июндаги «Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан шаҳар ва туманлардаги барча кичик саноат зоналарини бошқариш дирекциялари тугатилиб, улар вилоят кичик саноат зоналарини бошқариш бўйича ягона дирекцияси тасарруфига бирлаштирилди.

Ташқи муҳандислик коммуникациялари ва инфратузилмалар кичик саноат зоналарида тадбиркорлик субъектларини жойлаштиришга оид ишлаб чиқилган лойиҳаларга биноан қурилиш ва модернизация қилиш бўйича хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди. Бу жараёнда кичик саноат зоналаридаги мавжуд муҳандислик-коммуникация тармоқларининг ҳолати ва қувватига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, заруриятга кўра қўшимча табиий газ, юқори қувватли электр энергия тармоғи тортиш, юқори кучланишли трансформаторлар ўрнатиш, шунингдек, сув таъминоти тармоғини тортиш ва сув минорасини ўрнатиш, ички ва ташқи йўлларни таъмирлаш каби вазифаларни босқичма-босқич бажариш белгиланди. Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланишдан орқада қолаётган туман ва шаҳарларда янги кичик саноат зоналари ташкил этиш мақсадида ушбу ҳудудлар салоҳияти, рақобатдаги устувор йўналишлари, табиий ва меҳнат ресурслари, тадбиркорлик муҳити ўрганиб чиқилди. Ҳудудларда ишлаб чиқариш ва саноатни ривожлантириш, тадбиркорлар томонидан истиқболли инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш мақсадида қўшимча 24 кичик саноат зонасини ташкил этиш юзасидан таклиф берилди.

Вилоятдаги кичик саноат зоналарида қўшимча муҳандислик- коммуникация тармоқларини тортиш, қўриқлаш ва ёритиш тизими самарадорлигини ошириш, тадбиркорлик субъектлари учун қулай шароит яратиш борасида дирекция маблағлари ҳисобидан ҳам бир қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Жумладан «Қувасой» кичик саноат зонасида 1 километр ички сув ва газ тармоғи, 800 метр ички электр қуввати тармоғи тортилди. 2 километрдан зиёд ички йўллар таъмирланди, ҳудуд тўла ёритиш ва видеокузатув қурилмалари билан жиҳозланди. Кўргазмалар зали ташкил этилиб, бино тўлиқ таъмирланди. «Фарғона механика» кичик саноат зонаси ҳудудида тўлиқ ёритиш қурилмалари ва кузатув камералари ўрнатилди. Тадбиркорлар ва ишчи ходимлар учун ошхона, савдо дўкони ташкил этилди. Ҳудудда ободончилик ишлари амалга оширилди. Сув, газ ва электр тармоқлари етиб бормаган ички ҳудудларга коммуникация тармоқлари тортилди. Шунингдек, Данғара, Фурқат, Ёзёвон туманидаги кичик саноат зоналари ҳудудида ички йўлсозлик ишлари амалга оширилди. Марғилон шаҳридаги «Наврўз» ва «Надирмат» кичик саноат зоналарида қўшимча газ ва сув тармоқлари тортиш лойиҳалаштирилди. Марғилон шаҳридаги кичик саноат зоналарида электр энергиясида бўлиб турадиган узилишларга чек қўйилиб, бир маромда таъминланмоқда.

Марғилон шаҳридаги «Наврўз» кичик саноат зонасида 15 лойиҳа ишга туширилган бўлиб, 5 лойиҳа бўйича қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Бу ердаги «Ал сафо Марва» ва «Абду Сиддиқ барака» хусусий корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган атлас, адрас ва бахмаллар республикамиз ички бозорларининг безаги саналиб, харидоргир бўлмоқда. «Надирмат» кичик саноат зонасида фаолият юритаётган «Сениорита» хусусий корхонаси томонидан ишлаб чиқарилаётган бежирим чарм-пойабзал маҳсулотлари, «Саховат бисквит»



оилавий корхонасининг печенье, вафли ва ширинликларига қўшни давлатларда ҳам талаб юқори.

Фарғона шаҳрида жойлашган «Фарғона механика» кичик саноат зонасида умумий қиймати 335,3 миллиард сўм бўлган 21 лойиҳа амалга оширилиши натижасида 1 минг 776 янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Бугунги кунда умумий қиймати 33,9 миллиард сўмлик 6 лойиҳа амалга оширилди. «Ferghana wonderland textile» масъулияти чекланган жамияти иш бошлаганига қисқа вақт бўлган бўлса-да, сифатли маҳсулотлари билан ички бозорда ўз харидорини топди.

– Бу ерда биз учун барча шароит яратилган, – дейди жамият раҳбари Акмал Собиров. – Трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича 2,5 миллиард сўмлик лойиҳани амалга оширдик. Ҳозирда 50 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди. Маҳсулотларимизни экспорт қилиш бўйича ҳам иш олиб бораяпмиз.

«Fer Anter Carpets» масъулияти чекланган шаклидаги ўзбек-турк қўшма корхонаси ҳам янги йилдан маҳсулот ишлаб чиқара бошлади. Бу ерда тайёрланаётган турли ҳажмдаги гиламлар жаҳон бозорида ўз ўрнига эга бўлмоқда. Шунингдек, «Долина мебель сервис» масъулияти чекланган жамияти халқимизга манзур бўладиган мебель маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Бунинг учун Германиянинг замонавий технологияларидан самарали фойдаланилмоқда.

«Forestcolor» масъулияти чекланган жамияти томонидан ҳам истиқболли лойиҳа ишга туширилиб, ички ва ташқи бозор талаблари асосида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

– Юртимизда биз, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга муҳим эътибор қаратилаяпти, – дейди жамият раҳбари Рашид Шоматов ЎзА мухбири Маъсуджон Сулаймонов билан суҳбатда. – Биз бу имкониятга жавобан мазкур лойиҳани жорий этдик. «Микрокредитбанк» АТБ Фарғона вилояти филиали бизга кўмакдош бўлиб, 300 минг АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит ажратди. Бунинг эвазига замонавий дастгоҳлар сотиб олиб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга эришдик.

Албатта, бу каби ишлар нафақат шаҳарларда, чекка ҳудудларда ҳам давом этмоқда. Данғара, Фурқат, Қўштепа, Ёзёвон, Ўзбекистон, Қува туманларида ҳам янги лойиҳалар ишга туширилмоқда. Бу эса саноат салоҳиятини янада ошириш имкониятини бермоқда. Шунингдек, кичик саноат зоналаридан лойиҳалар жойлаштирилмаган 31,2 гектар бўш ер майдонлари жорий йил биринчи чорагида белгиланган тартибда 130 лотга ажратилиб, маъмурий кенгаш тендери асосида ушбу лотларга импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳаларни жойлаштириш кўзда тутилган. Мазкур ҳудудларга экспортбоп, импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи лойиҳа ташаббускорларини жалб этиш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида бу ҳудудларда бизнес юритиш истагида бўлган тадбиркорлар сони кун сайин ошиб бормоқда. Улардан истиқболли таклифлар ва мурожаатлар келиб тушмоқда. Бўш турган лотлар ва янгитдан ташкил этилиши кўзда тутилаётган кичик саноат зоналари тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали уларга батафсил маълумот бериб борилмоқда.



## ВНИМАНИЮ СТРОИТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ!

**Министерство жилищно-коммунального обслуживания Республики Узбекистан территориальное управление ГУП «Инжиниринговая компания по строительству объектов водоснабжения и канализации» по Хорезмской области**

## ОБЪЯВЛЯЕТ ТЕНДЕРНЫЕ ТОРГИ

### Строительство и реконструкция объектов водоснабжения и канализации

| № | Лот № | Наименования объектов | Предельная стоимость, сум (с учетом НДС и ЕСП 25 процент) | Срок строительства (день) |
|---|---|---|---|---|
| 1. | 6984375 | Строительство водопроводных сетей МСГ «Пирнахос» в Хивинском районе Хорезмской области | 2 463 604 236 | 180 |
| 2. | 6984369 | Реконструкция УРВ и строительство водопроводных сетей МСГ «Чандир» в Ургенчском районе Хорезмской области | 2 876 218 566 | 300 |
| 3. | 6984371 | Реконструкция УРВ и строительство водопроводных сетей МСГ «Шамахулум» в Хивинском районе Хорезмской области | 2 071 620 563 | 300 |
| 4. | 6984597 | Строительство водопроводных сетей МСГ «Эгри солма» и МСГ «Галтак» в Янгиарикском районе Хорезмской области | 1 411 073 311 | 210 |

**В тендере могут участвовать:**

- отечественные и зарубежные строительные организации, предприятия и фирмы, заявившие о своем намерении участвовать в тендере на предложенных условиях;

- участие в тендерах объединений юридических лиц (консорциумов) не допускается (см. ИТТ).

**К участнику на участие в тендере предъявляются следующие квалификационные требования:**

- наличие оборотных средств, в размере не менее 20 % от стоимости предмета тендера или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственной базы, трудовых ресурсов и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг);

- гражданская правоспособность и полномочия на заключение договора;

- наличие опыта работ за последние три года по аналогичным объектам и объемам тендера;

- предоставление сведений о ранее выполненных объемах работ собственными силами, намечаемом объеме работ, планируемом к выполнению собственными силами на объекте тендера (в процентах).

Если деятельность, связанная с выполнением работ (услуг), являющихся предметом тендера, подлежит лицензированию в соответствии с законодательством, к участию в тендере допускаются участники, обладающие соответствующей лицензией, выданной в установленном порядке (см. ИТТ).

**Не допускаются к участию в процедурах тендера участники:**

- учреждённые менее 6 месяцев до объявления тендера;

- находящиеся в состоянии судебного или арбитражного разбирательства с заказчиком;

- зарегистрированные в государствах или на территории представляющих льготный налоговый режим и/или не предусматривающих раскрытие и предоставление информации при проведении финансовых операции (оффшорные зоны), а также на счёт нерезидентов в банках, находящихся в оффшорных зонах;

- находящиеся в Едином реестре недобросовестных исполнителей;

- имеющиеся задолженности по уплате налогов и других обязательных платежей;

- находящиеся на стадии реорганизации (разделение, слияние), ликвидации или банкротства, на имущество который наложен арест, а также имеющих непосредственную организационно-правовую или финансовую зависимость друг от друга, выраженную в форме актов учредительства, финансового участия, холдинга и других форм.

Требование ко всем документам, необходимым к подготовке и подачи тендерного предложения, отражены в тендерной документации, в том числе формы и образцы для заполнения.

Подача предложений является свидетельством того, что участник тендера ознакомился с вышеупомянутыми материалами, и у него нет вопросов по отношению к объемам работ, материалов, конструкции и прочих условий, влияющих на выполнение работ, предусмотренных проектом.

Тендерную документацию по предмету тендера можно скачать в специальном информационном портале http://exarid.uzex.uz или получить у организатора тендера по адресу, указанному ниже.

**Адрес:** г. Ургенч, ул. Хонка, 133 «а», 2-этаж, 2-кабинет.

**Контактное лицо:** А. Оллаберганов.

**Тел.:** (62) 225-80-65.

**Электронная почта:** mrfshimoliy@mail.ru

Участники тендерных торгов имеют право обращаться заказчику (организатору тендерных торгов) по предоставлению им проектную документацию, в т.ч. графическую часть (чертежи) для изучения и составления тендерного предложения.

При этом, Заказчик обязан предоставлять проектную документацию, в т.ч. графическую часть (чертежи оригинал или электронная версия) участникам тендерных торгов по первому их требованию.

Оферты принимаются организатором торгов по вышеуказанному адресу.

Срок представления предложений заказчику установлен в течение 30 календарных дней после публикации объявления в специальном информационном портале, который истекает 24 февраля 2020 года в 16.00.

**Адрес для подачи документов:** г. Ургенч, ул. Хонка, 133 «а», 2-этаж, 2-кабинет.

**Контактное лицо:** А. Оллаберганов.

**Тел.:** (62) 225-80-65.

## ДОВОДИМ ДО ВАШЕГО СВЕДЕНИЯ

**информация о сроке строительства многоэтажных жилых домов в объявлениях, опубликованных в газете «O'zbekiston bunyodkori» №5-6 (354-355) от 21.01.2020 г. и №7 (356) от 24.01.2020 г., а также на веб-сайте www.tenderweek.com читать в нижеследующем порядке:**

Срок строительства составляет – 8 (восемь) месяцев.

Для получения дальнейшей информации, приобретения и ознакомления с тендерной документацией, участникам торгов следует связаться с организаторами конкурсных торгов – областными консалтинговыми центрами по организации конкурсных торгов в строительстве по следующем адресам:

| Навоийская область | Наманганская область | Джизакская область |
|---|---|---|
| **Адрес:** г. Навои, ул. Зарапетян, 1. **Телефон:** (79) 220-50-03. **Факс:** (79) 220-50-04. | **Адрес:** г. Наманган, ул. Навои, 22. **Телефон:** (69) 227-94-30. **Факс:** (69) 227-91-47. | **Адрес:** г. Джизак, ул. И. Каримова. **Телефон:** (72) 226-14-66. **Факс:** (72) 226-14-66. |

**Примечание**: *) в случае обращения потенциальных претендентов о продлении срока, в связи с данными изменениями сроки вскрытия оферт будут продлены на 10 календарных дней.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№8 (357) 28 января 2020 года

# СПЕЦИАЛЬНОЕ ОБЪЯВЛЕНИЕ О ЗАКУПКАХ

**Республика Узбекистан**

**Проект:** «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

**Форма финансирования:** Истисна'а

**ПРОЕКТ № УЗБ-1004.**

**№ конкурсных торгов 2020-01**

1. Республика Узбекистан получила финансовые средства от Исламского банка развития с целью финансирования проекта «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)» с соответствующей инфраструктурой и намерена использовать часть средств на строительство доступных типовых домов в сельской местности Республики Узбекистан. Конкурсные торги будут регулироваться в соответствии с правилами и процедурами закупок ИБР. ООО ИК «Кишлок курилиш инвест» – Заказчик, настоящим приглашает запечатанные конкурсные предложения от правомочных участников торгов для строительства 33 единиц многоэтажных жилых домов (792 квартир) по типовым проектам в сельских местностях Навоийской, Наманганской и Джизакской областей.

Срок строительства составляет – 8 (восемь) месяцев.

2. Конкурсные торги будут проводиться в соответствии с условиями национальных конкурсных торгов, как указано в руководстве по закупкам товаров и услуг ИБР в рамках финансирования ИБР (нынешнее издание), и открыт всем правомочным участникам, как указано в руководстве.

3. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию из нижеперечисленных областных консалтинговых центров по организации конкурсных торгов в строительстве по нижеприведенным адресам в течение рабочего времени с 10.00 до 17.00.

| Навоийская область | Наманганская область | Джизакская область |
|---|---|---|
| **Адрес:** г. Навои, ул. Зарапетян, 1. **Телефон:** (79) 220-50-03. **Факс:** (79) 220-50-04. | **Адрес:** г. Наманган, ул. Навои, 22. **Телефон:** (69) 227-94-30. **Факс:** (69) 227-91-47. | **Адрес:** г. Джизак, ул. И. Каримова. **Телефон:** (72) 226-14-66. **Факс:** (72) 226-14-66. |

4. Полный комплект тендерной документации, составленный на русском языке, может быть приобретен с правомочными участниками по представлению письменного заявления на имя организатора торгов по вышеуказанным адресам, а также необходимо приложить платежное поручение из банка о невозмещаемой оплате в размере одной МЗП.

5. Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковские счета организаторов конкурсных торгов – областным консалтинговым центрам по организации конкурсных торгов в строительстве.

**Ниже представлены их реквизиты банковских счетов:**

| Навоийская область |
|---|
| **Банк:** Навоийский городской филиал АКИБ «Ипотека-банк» **Р/с:** 2021 0000 8039 0394 6001 **ИНН:** 202 615 785 |
| **Наманганская область** |
| **Банк:** филиал Юксалиш АКБ «Hamkorbank» **Р/с:** 2021 0000 8031 9675 2001 **ИНН:** 202393842 |
| **Джизакская область** |
| **Банк:** Джизакский филиал АКИБ «Ипотека-банк» **Р/с:** 2021 0000 0037 5718 9001 **ИНН:** 202 411 803 |

6. Все предложения должны быть предоставлены организаторам конкурсных торгов с даты объявления конкурсных торгов в рабочее время (с 10.00 до 17.00 с понедельника по пятницу) по вышеуказанным адресам в пункте 3. Предложения будут приниматься в областных консалтинговых центрах по организации конкурсных торгов в строительстве в соответствии с регионом до истечения крайнего срока подачи предложений, которые указаны ниже (см. таблицу). Если последний срок подачи конкурсных предложений попадает на национальный праздник, то последний срок подачи заявки продлевается на следующий рабочий день.

7. Требуется приложить Тендерную гарантию к предложениям в размере не менее 2 % от стоимости предложения. Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок согласно нижеприведенной таблице в присутствии представителей участников торгов.

**Конкурсные предложения будут вскрываться по нижеуказанным адресам:**

| Навоийская область | Наманганская область | Джизакская область |
|---|---|---|
| **Адрес:** г. Навои, ул. Зарапетян, 1. **Телефон:** (79) 220-50-03. **Факс:** (79) 220-50-04. | **Адрес:** г. Наманган, ул. Навои, 22. **Телефон:** (69) 227-94-30. **Факс:** (69) 227-91-47. | **Адрес:** г. Джизак, ул. И. Каримова. **Телефон:** (72) 226-14-66. **Факс:** (72) 226-14-66. |

8. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

## ПРИГЛАШЕНИЕ №2020-01
## для участия в конкурсных торгах

**Проект:** «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

| № лота | Наименование региона | Наименование массива | Кол-во квартир | Многоэтажный дом с 2-,3-комнатными квартирами | | | Крайний срок подачи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | кол-во домов | кол-во квартир | № дома | |
| | ВСЕГО | 7 | 792 | 33 | 792 | | |
| | по Навоийской области | 3 | 240 | 10 | 240 | | |
| ИБР-1 | Карманинский | Маликрабод | 24 | 1 | 24 | 1 | 21 февраля 2020 года, 14.00 |
| ИБР-2 | Карманинский | Маликрабод | 24 | 1 | 24 | 2 | 21 февраля 2020 года, 14.20 |
| ИБР-3 | Карманинский | Маликрабод | 24 | 1 | 24 | 3 | 21 февраля 2020 года, 14.40 |
| ИБР-4 | Карманинский | Маликрабод | 24 | 1 | 24 | 4 | 21 февраля 2020 года, 15.00 |
| ИБР-5 | Карманинский | Маликрабод | 24 | 1 | 24 | 5 | 21 февраля 2020 года, 15.20 |
| ИБР-6 | Карманинский | Маликрабод | 24 | 1 | 24 | 6 | 21 февраля 2020 года, 15.40 |
| ИБР-7 | Кызылтепинский | Бунёдкор | 24 | 1 | 24 | 1 | 21 февраля 2020 года, 16.00 |
| ИБР-8 | Кызылтепинский | Бунёдкор | 24 | 1 | 24 | 2 | 21 февраля 2020 года, 16.20 |
| ИБР-9 | Кызылтепинский | Бунёдкор | 24 | 1 | 24 | 3 | 21 февраля 2020 года, 16.40 |
| ИБР-10 | Кызылтепинский | Бунёдкор | 24 | 1 | 24 | 4 | 21 февраля 2020 года, 17.00 |
| | по Наманганской области | 3 | 288 | 12 | 288 | | |
| ИБР-11 | Нарынский | Галаба | 24 | 1 | 24 | 1 | 25 февраля 2020 года, 10.00 |
| ИБР-12 | Нарынский | Галаба | 24 | 1 | 24 | 2 | 25 февраля 2020 года, 10.30 |
| ИБР-13 | Нарынский | Галаба | 24 | 1 | 24 | 3 | 25 февраля 2020 года, 11.00 |
| ИБР-14 | Нарынский | Галаба | 24 | 1 | 24 | 4 | 25 февраля 2020 года, 11.30 |
| ИБР-15 | Чартакский | Дустлик | 24 | 1 | 24 | 1 | 25 февраля 2020 года, 12.00 |
| ИБР-16 | Чартакский | Дустлик | 24 | 1 | 24 | 2 | 25 февраля 2020 года, 12.30 |
| ИБР-17 | Чартакский | Дустлик | 24 | 1 | 24 | 3 | 25 февраля 2020 года, 14.00 |
| ИБР-18 | Чартакский | Дустлик | 24 | 1 | 24 | 4 | 25 февраля 2020 года, 14.30 |
| ИБР-19 | Янгикурганский | Водий | 24 | 1 | 24 | 1 | 25 февраля 2020 года, 15.00 |
| ИБР-20 | Янгикурганский | Водий | 24 | 1 | 24 | 2 | 25 февраля 2020 года, 15.30 |
| ИБР-21 | Янгикурганский | Водий | 24 | 1 | 24 | 3 | 25 февраля 2020 года, 16.00 |
| ИБР-22 | Янгикурганский | Водий | 24 | 1 | 24 | 4 | 25 февраля 2020 года, 16.30 |
| | Джизакская область | 1 | 264 | 11 | 264 | | |
| ИБР-23 | Шароф Рашидов | Токчилик | 24 | 1 | 24 | 1 | 25 февраля 2020 года, 10.00 |
| ИБР-24 | Шароф Рашидов | Токчилик | 24 | 1 | 24 | 2 | 25 февраля 2020 года, 10.30 |
| ИБР-25 | Шароф Рашидов | Токчилик | 24 | 1 | 24 | 3 | 25 февраля 2020 года, 11.00 |
| ИБР-26 | Шароф Рашидов | Токчилик | 24 | 1 | 24 | 4 | 25 февраля 2020 года, 11.30 |
| ИБР-27 | Шароф Рашидов | Токчилик | 24 | 1 | 24 | 5 | 25 февраля 2020 года, 12.00 |
| ИБР-28 | Шароф Рашидов | Токчилик | 24 | 1 | 24 | 6 | 25 февраля 2020 года, 12.30 |
| ИБР-29 | Шароф Рашидов | Токчилик | 24 | 1 | 24 | 7 | 25 февраля 2020 года, 14.00 |
| ИБР-30 | Шароф Рашидов | Токчилик | 24 | 1 | 24 | 8 | 25 февраля 2020 года, 14.30 |
| ИБР-31 | Шароф Рашидов | Токчилик | 24 | 1 | 24 | 9 | 25 февраля 2020 года, 15.00 |
| ИБР-32 | Шароф Рашидов | Токчилик | 24 | 1 | 24 | 10 | 25 февраля 2020 года, 15.30 |
| ИБР-33 | Шароф Рашидов | Токчилик | 24 | 1 | 24 | 11 | 25 февраля 2020 года, 16.00 |

# СПЕЦИАЛЬНОЕ ОБЪЯВЛЕНИЕ О ЗАКУПКАХ

**Республика Узбекистан**

**Проект:** «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

**Форма финансирования: Истисна'а**

**ПРОЕКТ № УЗБ-1004.**

**№ конкурсных торгов 2020-01**

1. Республика Узбекистан получила финансовые средства от Исламского банка развития с целью финансирования проекта «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)» с соответствующей инфраструктурой и намерена использовать часть средств на строительство доступных типовых домов в сельской местности Республики Узбекистан. Конкурсные торги будут регулироваться в соответствии с правилами и процедурами закупок ИБР. ООО ИК «Кишлок курилиш инвест» – Заказчик, настоящим приглашает запечатанные конкурсные предложения от правомочных участников торгов для строительства 34 единиц многоэтажных жилых домов (1020 квартир) по типовым проектам в сельских местностях Андижанской области.

**Срок строительства составляет** – 8,5 (восемь с половиной) месяцев.

2. Конкурсные торги будут проводиться в соответствии с условиями национальных конкурсных торгов, как указано в руководстве по закупкам товаров и услуг ИБР в рамках финансирования ИБР (нынешнее издание), и открыт всем правомочным участникам, как указано в руководстве.

3. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию из нижеперечисленного областного консалтингового центра по организации конкурсных торгов в строительстве по нижеприведенному адресу в течение рабочего времени с 10.00 до 17.00.

| Андижанская область |
|---|
| **Адрес:** г. Андижан, пр. Навои, 30. **Телефон:** (74) 223-57-05. **Факс:** (74) 223-57-05. |

4. Полный комплект тендерной документации, составленный на русском языке, может быть приобретен с правомочными участниками по представлению письменного заявления на имя организатора торгов по вышеуказанному адресу и приложить платежное поручение из банка о невозмещаемой оплате в размере одной МЗП.

5. Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – областному консалтинговому центру по организации конкурсных торгов в строительстве.

**Ниже представлены его реквизиты банковского счета:**

| Андижанская область |
|---|
| **Банк:** Андижанский городской филиал АКБ «InFinBank» **Р/с:** 2021 2000 4036 4994 4001 **ИНН:** 202453348 |

6. Все предложения должны быть предоставлены организатору конкурсных торгов с даты объявления конкурсных торгов в рабочее время (с 10.00 до 17.00 с понедельника по пятницу) по вышеуказанному адресу в пункте 3. Предложения будут приниматься в областном консалтинговом центре по организации конкурсных торгов в строительстве в соответствии с регионом до истечения крайнего срока подачи предложений, которые указаны ниже (см. таблицу). Если последний срок подачи конкурсных предложений попадает на национальный праздник, то последний срок подачи заявки продлевается на следующий рабочий день.

7. Требуется приложить Тендерную гарантию к предложениям в размере не менее 2 % от стоимости предложения. Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок согласно нижеприведенной таблице в присутствии представителей участников торгов.

**Конкурсные предложения будут вскрываться по нижеуказанному адресу:**

| Андижанская область |
|---|
| **Адрес:** г. Андижан, пр. Навои, 30. **Телефон:** (74) 223-57-05. **Факс:** (74) 223-57-05. |

8. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

## ПРИГЛАШЕНИЕ №2020 – 01
## для участия в конкурсных торгах

**Проект:** «Строительство современных жилых домов в сельской местности (Фаза-2)»

| № лота | Наименование региона | Наименование массива | Кол-во квартир | Многоэтажный дом с 2-,3-комнатными квартирами | | | Крайний срок подачи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | кол-во домов | кол-во квартир | № дома | |
| | по Андижанской области | 14 | 1020 | 34 | 360 | | |
| ИБР-34 | Ханабадский | МСГ «Тейит» | 30 | 1 | 30 | 1 | 28 февраля 2020 года, 10.00 |
| ИБР-35 | Ханабадский | МСГ «А. Фитрат» | 30 | 1 | 30 | 1 | 28 февраля 2020 года, 10.15 |
| ИБР-36 | Ханабадский | МСГ «А. Фитрат» | 30 | 1 | 30 | 2 | 28 февраля 2020 года, 10.30 |
| ИБР-37 | Асакинский | МСГ «Бобур» | 30 | 1 | 30 | 1 | 28 февраля 2020 года, 10.45 |
| ИБР-38 | Асакинский | МСГ «А. Темур» | 30 | 1 | 30 | 1 | 28 февраля 2020 года, 11.00 |
| ИБР-39 | Асакинский | МСГ «Улугбек» | 30 | 1 | 30 | 1 | 28 февраля 2020 года, 11.15 |
| ИБР-40 | Балыкчинский | «Чинобод» | 30 | 1 | 30 | 1 | 28 февраля 2020 года, 11.30 |
| ИБР-41 | Булакбошинский | МСГ «Кумгузар», Т. Рахимов | 30 | 1 | 30 | 1 | 28 февраля 2020 года, 11.45 |
| ИБР-42 | Булакбошинский | МСГ «Кумгузар», Т. Рахимов | 30 | 1 | 30 | 2 | 28 февраля 2020 года, 12.00 |
| ИБР-43 | Булакбошинский | МСГ «Кумгузар», Т. Рахимов | 30 | 1 | 30 | 3 | 28 февраля 2020 года, 12.15 |
| ИБР-44 | Булакбошинский | МСГ «Кумгузар», Т. Рахимов | 30 | 1 | 30 | 4 | 28 февраля 2020 года, 12.30 |
| ИБР-45 | Мархаматский | МСГ «Бархаёт» | 30 | 1 | 30 | 1 | 28 февраля 2020 года, 12.45 |
| ИБР-46 | Мархаматский | МСГ «Турон» | 30 | 1 | 30 | 1 | 28 февраля 2020 года, 13.30 |
| ИБР-47 | Мархаматский | МСГ «Узбекистон» | 30 | 1 | 30 | 1 | 28 февраля 2020 года, 13.45 |
| ИБР-48 | Алтынкульский | МСГ «Марказ», Намуна | 30 | 1 | 30 | 1 | 28 февраля 2020 года, 14.00 |
| ИБР-49 | Алтынкульский | МСГ «Марказ», Намуна | 30 | 1 | 30 | 2 | 28 февраля 2020 года, 14.15 |
| ИБР-50 | Ходжаабский | «А. Набиев» | 30 | 1 | 30 | 1 | 28 февраля 2020 года, 14.30 |
| ИБР-51 | Ходжаабский | «А. Набиев» | 30 | 1 | 30 | 2 | 28 февраля 2020 года, 14.45 |
| ИБР-52 | Ходжаабский | «А. Набиев» | 30 | 1 | 30 | 3 | 28 февраля 2020 года, 15.00 |
| ИБР-53 | Ходжаабский | «А. Набиев» | 30 | 1 | 30 | 4 | 28 февраля 2020 года, 15.15 |
| ИБР-54 | Ходжаабский | «А. Набиев» | 30 | 1 | 30 | 5 | 28 февраля 2020 года, 15.30 |
| ИБР-55 | Ходжаабский | «А. Набиев» | 30 | 1 | 30 | 6 | 28 февраля 2020 года, 15.45 |
| ИБР-56 | Ходжаабский | «А. Набиев» | 30 | 1 | 30 | 7 | 28 февраля 2020 года, 16.00 |
| ИБР-57 | Ходжаабский | «А. Набиев» | 30 | 1 | 30 | 8 | 28 февраля 2020 года, 16.15 |
| ИБР-58 | Ходжаабский | «А. Набиев» | 30 | 1 | 30 | 9 | 28 февраля 2020 года, 16.30 |
| ИБР-59 | Ходжаабский | «А. Набиев» | 30 | 1 | 30 | 10 | 28 февраля 2020 года, 16.45 |
| ИБР-60 | Шахриханский | МСГ «Карнайчи», Янгивахим | 30 | 1 | 30 | 1 | 28 февраля 2020 года, 17.00 |
| ИБР-61 | Шахриханский | МСГ «Карнайчи», Янгивахим | 30 | 1 | 30 | 2 | 28 февраля 2020 года, 17.15 |
| ИБР-62 | Шахриханский | МСГ «Карнайчи», Янгивахим | 30 | 1 | 30 | 3 | 28 февраля 2020 года, 17.30 |
| ИБР-63 | Кургантепинский | МСГ «Янгихаёт», Кургонтепа | 30 | 1 | 30 | 1 | 28 февраля 2020 года, 17.45 |
| ИБР-64 | Кургантепинский | МСГ «Янгихаёт», Кургонтепа | 30 | 1 | 30 | 2 | 28 февраля 2020 года, 18.00 |
| ИБР-65 | Кургантепинский | МСГ «Янгихаёт», Кургонтепа | 30 | 1 | 30 | 3 | 28 февраля 2020 года, 18.15 |
| ИБР-66 | Кургантепинский | МСГ «Янгихаёт», Кургонтепа | 30 | 1 | 30 | 4 | 28 февраля 2020 года, 18.30 |
| ИБР-67 | Кургантепинский | МСГ «Янгихаёт», Кургонтепа | 30 | 1 | 30 | 5 | 28 февраля 2020 года, 18.45 |

# иқтисодиётни ривожлантириш йили»

*Яшин БЎРОНОВ,*
*«Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси» ДУК Жиззах вилояти филиали директори.*

## Расмиятчилик ва юзакиликдан воз кечиб

Президентимизнинг Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида 2020 йилга оид муҳим вазифалар белгиланди. Барча соҳалардаги ижобий натижалар қаторида, инвестициялар ҳажми ҳам сезиларли даражада ошгани таъкидланди.

Мурожаатномада айтилганидек, қурилиш соҳасида 2019 йилда кенг кўламли ишлар бажарилгани айтиб ўтилди.

Жумладан, янги таълим муассасаларини қуриш, мавжудларини таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилгани, бир қанча умумтаълим мактаблари янгидан барпо этилгани, 320 таси реконструкция қилингани, 152 та мактаб капитал таъмирлангани, шунингдек, 107 та мактабгача таълим муассасаси реконструкция қилингани ва 195 та боғча капитал таъмирлангани яқин йиллар мобайнида бундай катта ҳажмдаги ишлар қилинмагани таъкидланди.

Шу қаторда республикамиз бўйича «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида 479 та қишлоқ ва овулда, шаҳарлардаги 116 та маҳаллада кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилгани айтиб ўтилди.

Қишлоқ жойларда – 17 100 та, шаҳарларда – 17 600 та, жами 34 минг 700 та ёки 2016 йилга нисбатан салкам 3 баробар кўп арзон ва шинам уйлар қурилди. Кам таъминланган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож 5 мингта оилага, жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларга ипотека кредити асосида арзон уй-жой сотиб олиш учун 116 миллиард сўмдан зиёд бошланғич бадал тўлаб берилгани айтилди.

Халқимизнинг талаб ва истакларини инобатга олиниб, жорий йилда имтиёзли ипотека кредитлари асосида арзон уй жойлар қуриш лойиҳасини амалга оширишга киришилди. Шаҳар ва қишлокларимизда жами 3,5 миллион квадрат метрдан зиёд намунавий уйлар ва кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди. Бу рақамни аввалги йилларга таққослайдиган бўлсак, 2007 йилга нисбатан 20 баробар, намунавий уй-жойлар қуриш дастури бошланган, 2010 йилга нисбатан 3,5 баробар, 2014 йилга нисбатан эса 2 баробар кўп уй-жой қурилганини кўрамиз.



Мурожаатномада илгари сурилган ғоялар ҳар биримиздан юрт тақдирига масъулиятли бўлишни талаб этади, ўз навбатида зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди. Шу боис, Мурожаатномада белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳиятини ўзимиз чуқур англаган ҳолда, жойларда, аҳолининг кенг қатлами орасида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга оширишимиз лозим. Қолаверса, иш услубимизни тубдан ўзгартиришимиз, расмиятчилик ва юзакиликдан воз кечиб, аниқ амалий ишларга ўтишимиз зарур.

*Сайдаҳмад СУЛТОНОВ,*
*Наманган вилояти қурилиш бош бошқармаси бошлиғи.*

## Устувор вазифалар белгиланди

Жорий йилнинг 24 январь куни Республикамиз Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаат қилди. Ушбу Мурожаатнома ўзининг мазмун-моҳиятига кўра, долзарб аҳамият касб этгани ҳолда, «Янги Ўзбекистон – янги сайловлар» ғояларига мос равишда ўз вақтида қабул қилингани, юртимизнинг янада равнақ топиши, халқимизнинг фаровон ҳаёт кечириши ҳамда ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни ўзида мужассам этади.

Шиддат билан ўзгариб бораётган замонда, дунё миқёсида манфаатлар кураши, рақобат тобора авж олиб бораётган бир даврда келгуси йил учун режалар тузишда тараққиётимизнинг устувор йўналишларини аниқ-равшан белгилаб олиш зарурлиги, бунда 2020 йилда мамлакатимизни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари белгилаб берилди.

Мурожаатномада энг аввало 2020 йил «Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб эълон қилиниши биринчи навбатда мамлакат иқтисодиётига қаратилаётган юксак эътибордир.

Жамиятни қийнаётган ишсизлик масаласини ҳал этишда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори бир йилда 3,7 баробарга ўсишига эришилиши, ижро органлари раҳбарлари ишига халқ мурожаатларига қараб баҳо берилиши айни муддао бўлди дея оламиз.

Мурожаатда «Кичик ва ўрта бизнес тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурлиги, унда кичик ва ўрта бизнес мезонлари ҳамда бу соҳа вакилларини рағбатлантириш механизмлари назарда тутилиши кераклиги, айниқса, бу йил ҳар бир ҳудудда тадбиркорларга ер участкаларига оид маълумотларни очиқ ва ҳаққоний етказиш бўйича янги тизим жорий этилиши тадбиркорнинг фаолият юритиши учун зарур бўлган бўш ер майдонлари, бино ва иншоотлар, уларнинг қиймати ва шартлари ҳақидаги тўлиқ харитани исталган вақт ва ҳудудда онлайн тарзда олиш имконияти яратилиши таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги «Архитектура ва қурилиш соҳасида давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 370-сонли қарорига мувофиқ юридик ва жисмоний шахсларга хизматлар онлайн тарзда кўрсатиб келинаётгани ана шу фикрларнинг илк қадамлари бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Шунингдек, соҳа учун кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш лозимлиги ва соҳада ахборот технологияларини ривожлантириш юзасидан аниқ чоралар кўриш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Шунга кўра, Наманган вилояти қурилиш бош бошқармасида фаолият юритаётган кадрларнинг малакаларини ошириш, ҳар бир мутахассис ўз устида ишлаши, тизимда замонавий IT-технология ва замонавий дастурлар бўйича кўникмаларга эга бўлиши юзасидан вазифалар жорий йил иш режасига киритилди.

Хулоса қилиб айтганда, бу йилги Мурожаатномадан жуда катта таассурот олдим ҳамда жамоамиз билан биргаликда келгусидаги иш фаолиятимизда унда белгилаб берилган устувор вазифаларни тўлақонли бажаришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

*Эркин ИСАКОВ,*
*М. Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори.*

## Таълимга эътибор ва эътироф



Юртбошимиз томонидан жорий йилга «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш» йили деб ном берилиши мени илм аҳли сифатида қувонтирди. Бинобарин, илм-маърифат ривожисиз юрт тараққиётига эришиб бўлмаслиги айни ҳақиқат.

Ҳар қандай жамият, миллат ва давлатнинг тутган ўрни, обрўйи ва бойлиги – илм, маърифат, маданият, савод ва ақл-заковатидур. Энг катта қашшоқлиги ва ҳалокати эса билимсизлигидур. Муҳтарам Президентимиз таълим вакилларининг олдига қўйган мақсадларга эришиш учун илмли, маданиятли, замонавий билимларни эгаллаган мутахассислар, жаҳон андозаларига жавоб берадиган янгича фикрлайдиган ёш авлодни тарбиялашимиз зарур.

Мурожаатномада таъкидланганидек, 2020 йилда олий ўқув юртларига қабул квоталарида давлат грантларининг икки баробар оширилиши, қизлар учун алоҳида давлат грантлари ажратилиши, олий таълим муассасаларида мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар қисқартирилиши, олий таълим муассасаларига молиявий ва академик мустақиллик берилиши, ҳар бир олий таълим муассасаси нуфузли чет эл университети билан албатта ҳамкорлик қилиши, ўқув дастурларини хорижий илғор тажрибалар асосида такомиллаштириш, ўқув юклама ва фанларни қайта кўриб чиқиш лозимлиги ҳозирда таълим тизимида мавжуд бўлган асосий муаммоларнинг ечими ҳисобланади.

Бундан ташқари, 700 нафар зиёли олимлар, профессорлар ва тадқиқотчилар давлат гранти ҳисобидан хорижга малака ошириш учун юборилиши, кейинчалик ушбу рақам икки баробарга оширилиши, хорижий илғор усулларни ўрганиш, бизга маъқул ривожланган мамлакатлар таълим амалиётини татбиқ этиш, мамлакатимизда илмий салоҳиятнинг ошиши, янги кашфиётлар, илмий янгиликлар ва ихтиролар яратилишига муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мурожаатномадан ўзимиз учун хулосалар чиқариб, келгусида амалга оширишимиз зарур бўлган вазифаларни белгилаб олдик. Ишонч билан айтишим мумкинки, баркамол авлод таълим-тарбияси йўналишида жаҳон стандартлари даражасига эришамиз, илм-маърифат тамойили асосида шаклланадиган изланишларимиз мамлакат иқтисодиёти ва ривожланишига ўзининг ижобий самарасини беради.

*Ҳайитбай АБДУЛЛАЕВ,*
*Урганч қурилиш касб-ҳунар коллежи директори.*

## Замон билан ҳамнафас ўқувчиларни тайёрлаймиз

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатомасида жорий ўқув йилидан бошлаб мамлакатимизда мутлақо янги профессионал таълим тизими йўлга қўйилиб, 349 та касб-ҳунар мактаби, 147 та коллеж ва 143 та техникум ташкил этилиши, бу таълим муассасаларида кадрлар малакасини халқаро меҳнат бозори талабларига мослаштириш мақсадида миллий малака талаблари тизими ишлаб чиқилиши, ушбу тизим 9 мингга яқин касблар бўйича кадрлар тайёрлаш имконини бериши айтиб ўтилди.

Бу хушхабар ўз фаолиятини 1965 йилда қурилиш техникуми сифатида бошлаган Урганч қурилиш касб-ҳунар коллежи жамоаси учун ҳам, ҳозирги кунда пенсиядаги фахрийлар, қурилиш майдонларида меҳнат қилаётган битирувчиларимиз учун ҳам, ота-оналар учун ҳам қувончли бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги «Профессионал таълимни янада такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5812-сонли Фармони ижросини таъминлаш борасида олиб бораётган ишларимизни жадаллаштириб, янги профессионал таълим тизимига муваффақиятли ўтиш учун астойдил ишлашимиз талаб этилади.

Ўтган 2019 йилда билим масканимизнинг қурилиш ва архитектура, лойиҳалаш ташкилотлари ўртасида ҳақиқий ҳамкорликнинг бошланиш йили бўлиб, турли қурилиш ташкилотларида фаолият юритаётган 95 нафар қурувчилар ўз малакаларини оширишди. 2020 йил учун эса янада катта маррани 500 нафардан ортиқ қурувчиларнинг малакасини оширишни режалаштирганмиз.

Юртимизда 2020 йилни «Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб номланди. Бу эса ўқувчиларимизга қурилиш соҳасида компетенциялар билан бир қаторда замонавий ахборот технологияларини, бутун дунё тан олаётган қурилиш ва архитектура соҳасидаги замонавий дастурлар, айниқса BIM технологияларини ўргатиш олдимиздаги энг муҳим вазифалардан бири эканини билдиради. Бунинг учун аввалambor зарур моддий базани шакллантириш билан бирга ўқитувчиларни илғор технологияларни эгаллашлари учун имкониятларни яратишни режалаштирдик.

*Истам ХАМРАЕВ,*
*Бухоро вилояти қурилиш соҳасида назорат инспекцияси бошлиғи.*

## Янгиланишларнинг бевосита иштирокчиси бўламиз



Президентимизнинг парламентга йўллаган мурожаатномасидаги ҳар бир фикр-мулоҳазалар, таклиф ва ташаббуслар жонажон юртимизнинг ривожига, халкимизнинг фаровон ҳаёт кечириши учун дахлдордир.

Айниқса, Президентимизнинг назорат қилувчи органлар олдига қўйган аниқ топшириқлари, яъни назорат ишларини замонавий босқичга олиб чиқиш бўйича билдирган кўрсатмаларида текширишлар фақатгина фавқулотда вазиятлардагина тайинланиши зарурлиги билдирилди. Эндиликда бу билан тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига асоссиз аралашувларнинг олди олиниб, қурилиш-пудрат корхоналарида меҳнат унумдорлиги ошади.

Назорат – эндиликда бировни айблаш, мажбурлаш, жазолаш акцияси бўлмасдан, аксинча қурувчиларга ёрдамлашувчи, меҳнат унумдорлиги ва сифатини оширишда кўмаклашувига хизмат қилади.

Бухоро вилояти қурилиш соҳасида назорат инспекцияси мурожаатномада келтирилган соҳага тегишли вазифаларни сўзсиз бажарилишини таъминлайди.

Мурожаатномада рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бўйича туб бурилишлар қилиш кераклиги таъкидланди. Биринчи навбатда, қурилиш соҳасини тўлиқ рақамлаштириш лозимлиги айтиб ўтилди. Президентимиз, шунингдек, қурилиш соҳаси иқтисодиётнинг муҳим «драйвер»ларидан бирига айланганини эътироф этиш билан бирга, ушбу тармоқни янада ривожлантириш учун қурилишга оид нормаларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш, замонавий қурилиш технологиялари ва материалларини татбиқ этиш, соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарурлиги, шунингдек, тендерлар ўтказишнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш ва соҳада ахборот технологияларини кенг жорий этиш кераклиги билдирилди. Албатта буларнинг барчаси қурилиш соҳасида шаффофликка, очиқликка эришишни таъминлайди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан қурилиш соҳасини 2025 йилга қадар ривожлантириш стратегиясининг ишлаб чиқилиши, жорий йилда қурилиш соҳасида амалга ошириладиган кенг кўламли ислоҳотларда Бухоро вилояти қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ҳам бевосита иштирокчи бўлиб қолмай, ўзининг фидокорона меҳнати билан юрт ободлиги йўлида бунёдкорларимизни қўллаб-қувватлайди.

*Камолиддин ЭШМАТОВ,*
*Сурхондарё вилояти қурилиш бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари – вилоят бош архитектори.*

## Сурхон воҳаси бундан-да обод бўлади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида республикада архитектура ва қурилиш соҳасида бажарилиши лозим бўлган масалаларга эътибор қаратилиб, қуйидаги ишларнинг амалга оширилиши алоҳида таъкидлаб ўтилди:

ҳар бир қурилаётган иншоот ҳудудларнинг табиий географик жойлашуви, аҳолининг турмуш тарзи урф-одат ва анъаналарига мос бўлиши;

иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари қурилиш материалларига эътибор берган ҳолда кимё, газ, нефть ва электротехника соҳасидаги қурилишларга алоҳида эътибор бериш;

тадбиркорлар талаблари ва истаклари асосида қурилиш лойиҳаларини яратиш учун билимли архитекторлар, қурувчилар ва кадастр ходимларини тайёрлашга эътиборни қаратиш асосида қурилиш ва лицензиялаш соҳасининг иш фаолиятида туб ўзгаришлар қилиш ва бу борада шаффоф тизим яратиш;

2020 йилда бюджетдан 1,7 триллион сўм маблағ ҳисобидан 36 та янги мактаб қурилиб, 216 таси капитал таъмирлаш учун зарур бўлган замонавий лойиҳаларни яратиш.

2020 йил ҳар бир ҳудудда тадбиркорларга «ноль» қийматдаги бино ва иншоотларни таъмирлаш лойиҳаларини яратиш, уларнинг қиймати ва шартлари ҳақидаги тўлиқ харитани исталган вақт ва ҳудудда онлайн тарзда олиш имкони яратиш;

аҳолининг кам таъминланган қатламлари учун қурилаётган уй-жой мажмуаларини қуриш ишларини уларнинг талаб ва истаклари асосида лойиҳалаштириш;

қишлоқ жойларда олиб борилаётган «Обод қишлоқ» дастури доирасидаги қурилиш ишларини янада кенгайтириш;



уй-жойларни қуриш ва сотиш билан боғлиқ жараёнларда хусусий тадбиркорларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга замонавий архитектура лойиҳаларини тақдим этиш;

ҳудудлардаги қурилиш ва ободонлаштириш ишларини олиб боришда ҳар бир минтақанинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда инфратузилмасини ҳисобга олган ҳолда замонавий қурилиш лойиҳаларини иқлимга мос ҳолда яратиш.

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб Сурхон воҳасида ҳам архитектура ва қурилиш соҳасида амалга ошириладиган фаолиятимиздаги йўналишлар муҳтарам Президентимиз томонидан белгилаб берилди дейиш мумкин. Мурожаатномадан келиб чиқиб, биз архитектура ва қурилиш соҳаси ходимлари тўлақонли ислоҳотлар самарасини таъминлаш мақсадида воҳанинг табиий ва иқлим шароитларидан келиб чиқиб воҳа архитектурасини ривожлантиришимиз зарур.

Чунки, Мурожаатномада халқимизнинг талаб ва имкониятларидан келиб чиқиб, уй-жой ва маданий-маиший муассасалар биноларининг мукаммал лойиҳаларини ишлаб чиқишимиз зарур. Бизнинг вазифамиз Сурхон воҳасининг туризм салоҳиятини кўтариш мақсадида кам харажат ўта замонавий иншоотлар мажмуасини бунёд этиш, тоғ ва тоғ олди аҳолиси учун хизмат қилувчи кўркам ва сўлим гўшаларда санаториялар, оромгоҳлар, спорт иншоотларини қуриш энг муҳим вазифамиз саналади.

**Президентимизнинг турли вазирлик, идора ва ташкилотларда ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш, шу жумладан, ҳар ойда ёшлар билан очиқ мулоқотлар ўтказиш, уларнинг муаммоларини ҳал этиш юзасидан берган топшириқлари асосида давра суҳбатлари ташкил этилмоқда, уларнинг бири Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигида ўтказилди. Давра суҳбатида соҳа мутасаддилари, тизимда фаолият юритаётган ёш ходимлар, бўлажак мутахассислар ва ОАВ вакиллари иштирок этишди.**

# Ёшлар билан учрашув

Маълумки, Қурилиш вазирлиги Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 2 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўз фаолиятини олиб боради. Бугунги кунда вазирлик тизимида жами 4 минг 60 нафар ходим меҳнат қилиб, уларнинг 746 нафарини ёш мутахассислар ташкил этади. Тадбирда мутасаддилар томонидан 2019 йилда амалга оширилган ишлар ҳақида ёшларга батафсил маълумотлар берилди.

Президентимиз томонидан ёшларнинг эзгу ташаббус ва интилишларини рағбатлантириш, уларни Ватанимиз равнақи йўлида муҳим кучга айланиши, малакали етук кадрлар бўлиб етишиши учун катта имкониятлар яратилмоқда.

Очиқ ва самимий руҳда бўлиб ўтган учрашувда кейинги уч йилда ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш бўйича 43 та қонун қабул қилингани ва ушбу қонун ҳужжатлари навқирон авлод вакилларининг ҳуқуқ ва манфаатлари йўлида хизмат қилаётгани алоҳида эътироф этилганди. 30 июнь – мамлакатимизда «Ёшлар куни» байрами сифатида кенг нишонланиши ҳам навқирон авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги эзгу ишларнинг амалий ифодасидир.

– Очиқ мулоқотда ёшларимиздаги шижоатни, ғайрат ва юқори кайфиятни кўриб жуда хурсанд бўлдим, – деди Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирининг ўринбосари Эркин Искандаров. – Билимли, юксак салоҳиятли, заковатли, интилувчан ва ташаббускор ёшлар эртанги ёруғ истиқболимизнинг муҳим таянчи ҳисобланар экан, уларнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлишлари йўлида мамлакатимизда олиб борилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар таҳсинга лойиқ. Жумладан, Давлатимиз раҳбарининг Парламентга қилган Мурожаатномасида ҳам эртамиз давомчилари навқирон авлод вакилларини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик ишларини янада кучайтиришга доир таклифлар билдирилди, тегишли вазирлик ва идоралар мутасаддиларига ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида қатор топшириқлар белгилаб берилди. Ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Қурилиш вазирлиги раҳбарияти ҳам ёш мутахассисларнинг соҳада эмин-эркин фаолият юритишлари, уларнинг ўз билим ва малакасини хорижда ошириб келишлари ҳамда у ерда орттирган тажрибасини мамлакатимиз қурилиш соҳасига кенг татбиқ этишлари учун барча шарт-шароитларни яратиб беришга доимо тайёр.

Мулоқот давомида Қурилиш вазирлиги мутасаддилари ёшларни қизиқтирган кўплаб саволларга атрофлича жавоблар қайтардилар. Айниқса, объектларни сифатли ва мукаммал барпо қилиш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сифати назоратини кучайтириш, текширувларни амалга оширувчи лабараторияларнинг моддий-техник базасини янада тўлдириш жараёнлари ҳам муҳим йўналишлардан бири экани айтиб ўтилди.

– Бўлиб ўтган очиқ мулоқотда ўзим учун жуда кўп маълумотларни олишга муваффақ бўлдим, – дейди ТАҚИ 2-босқич магистранти Сайёра Шораҳмонова. – Хусусан, институтнинг магистратура бўлими Муҳандислик коммуникацияларини ривожлантириш йўналишида таҳсил оламан. Шу сабабли мени бугунги кунда лойиҳалаштириш жараёнлари ва уларга татбиқ этилаётган замонавий технологиялар, жумладан БИМ технологиялари ҳақидаги маълумотлар жуда қизиқарли бўлди. Айниқса, энергиятежамкор, иқтисодий жиҳатдан самарадор бўлган бино ва иншоотларни жаҳон қурилиш технологияларига уйғун ҳолда яратишда эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатлар хусусидаги фикр-мулоҳазалар эътиборимни жалб қилди.

– Бугунги кунда, биз ёшларга катта эътибор қаратилмоқда, – дейди Қурилиш вазирлиги бош мутахассиси Хайрулла Ибрагимов. – Шу жумладан, тизимда ҳам фан ютуқларини амалиётда интеграциясини кенг татбиқ эта оладиган ёшларни рағбатлантиришга, уларни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Соҳада фаолият юритиб келаётган, бироқ, олий маълумоти бўлмаган ёшлар учун олий таълим муассасаларида қўшимча факультетларнинг ташкил этилаётгани барчамизни қувонтиради. Айниқса, ёш мутахассис кадрларнинг ижтимоий аҳволини яхшилаш, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш, улар учун зарур турмуш шароитларини яратиш масаласи устувор аҳамият касб этади. Бугунги кунда вазирлик раҳбарияти томонидан мазкур масалалар юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган. Шаҳарсозлик нормаларига киритилаётган янгиликлар, уларнинг бугунги замонавий қурилиш соҳасига татбиқ этилаётган муҳим жиҳатларга йиғилганлар эътибор қаратдилар.

Самимийлик, очиқлик ва дилдан қилинган суҳбат, ҳар қандай муаммонинг ечим топишида асосий омил бўлади, дейдилар. Айниқса, раҳбарият олдида ўз ташаббус ва таклифларини илгари суриш ёш мутахассиснинг мустақил позицияси, дунёқараши борлигидан дарак беради. Бугунги кунда тизимда меҳнат қилаётган ходимларнинг катта қисмини ёшлар ташкил этаётгани қувонарли. Раҳбарият билан бўлган учрашув самимий ва ҳар қандай чекловлардан ҳоли тарзда ўтгани ғайратли ёш мутахассисларни келгусидаги фаолиятда руҳлантириб туриши шубҳасиз.

**Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

# Талабалар билан мулоқот

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йил 27 декабрь куни Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган IT-мактабда мамлакат ёшлари билан учрашган эди.**





Ушбу учрашув чоғида билдирилган ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш юзасидан вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида жорий йилнинг 27 январь куни Тошкент архитектура-қурилиш институтида «Ректор ва ёшлар» мулоқоти ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Халқ артисти Эркин Комилов, профессор-ўқитувчилар ҳамда 200 нафар талабалар иштирок этдилар.

Учрашувда институт ректори Равшан Ҳакимов томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида 2019 йил 27 декабрь куни мамлакат ёшлари билан учрашувда ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш борасида белгиланган вазифалар ҳамда 2020 йил 24 январь куни Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга навбатдаги Мурожаатномаси мазмун-моҳияти ёритилди.

Тадбирда Ўзбекистон Халқ артисти Эркин Комилов сўзга чиқиб, ўзининг ибратли ҳаёт йўллари хусусида, шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан ёшларга оид давлат сиёсати борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар хусусида маълумот берди.

Самимий ўтган учрашувда институтнинг талаба-ёшлари фикр ва мулоҳазаларини билдириб, ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.

МОЗИЙ

**«Мозийга қайтиб иш кўриш хайрли», деган эди буюк адибимиз Абдулла Қодирий. Шунга кўра биз ҳам қурилиш ва архитектура соҳасида ўзининг мўъжизакорлиги билан шоҳсупаларнинг энг юқори ўринларида туриб, дунё аҳлини ҳайратга солиб келаётган Самарқанд шаҳрининг Регистон майдонидаги меъморий обидалар ҳақида сўз юритмоқчимиз. Булар Шердор ва Тиллакори мадрасаларидир. Уларни аслида ким қурган, ким қурдирган?**

# Тиллакорини ким қурган?



Регистон майдонидаги Шердор ва Тиллакори мадрасаларини Самарқанд ҳокими ватанпарвар, фидойи инсон – Ялангтўш Баҳодир қурдирган бўлиб, ушбу обидалар Ўрта Осиё меъморчилик санъатининг классик намунаси бўлиб қолди.

Самарқандлик Ялангтўш Баҳодир ким бўлган ва у ўзидан қандай маънавий мерос қолдирган? Ялангтўш Баҳодир ободончилик, қурилиш ишларига катта эътибор берган. Жумладан, унинг даврида Самарқанддаги Шердор мадрасаси (1619-1636 йиллар), Тиллакори масжид-мадрасалари (1646-1660 йиллар), Маҳдумқули Аъзам масжиди, хонақоси (1618 йил) қурилган ва булардан бошқа яна кўплаб қурилиш ва ободончилик ишлари амалга оширилган.

Ялангтўш қудратининг рамзи, мадраса равоғида қараб турган икки қуёш тагида оҳуларга ҳамла қилаётган шерлар тимсолида ифода этилган. Мадраса самарқандлик меъмор Абдужаббор лойиҳаси бўйича 17 йил давомида қурилган, уни меъморий безак устаси Муҳаммадаббос зийнатлаган. Уста мулла Абдужаббор нафақат нақш тилини, балки гўзаллик фалсафасини, рамзийликни билган ва мустақил ижодкор уста бўлган. Меъмор бундай тасвирнинг улкан бино пештоқида ишланиши билан қандай мақсадни назарда тутган экан? Самарқандлик олим Абу Тоҳирхўжа XIX асрнинг 30-йилларида ёзган «Самария» китобида Шердор мадрасаси пештоқидаги тасвирларни бироз бошқача талқин қилади. У тасвир мазмунини мусулмон астрологиясида кенг тарқалган осмондаги юлдуз буржлари билан боғлаб таърифлайди. Абу Тоҳирхўжанинг айтишича, хуршид – Қуёш шакли Шер буржи (юлдузлар туркуми) билан қўшилиб кетган: оҳуни тутмоқчи бўлган Шер ҳамласини қуёш нурларининг тиғи қайтармоқда. Гўёки, нур-зиё офатни даф этмоқда. Руҳий поклик орқали у комиллик даражасига кўтарилади. Ялангтўш Баҳодир зиё орқали инсонлар руҳий покликка, руҳий поклик орқали комилликка эришади, деган фалсафий фикрни илгари суради. Шунинг учун у «Меъмор Абдужаббор бўлажак мадраса пештоқига шундай тасвир ишлаши керакки, бу нақш биринчидан, қалбдаги гўзалликни акс эттирсин», дейди.

Муқаддас китобимиз Қуръони Каримда айтилганидек, «Аллоҳ гўзалликни яхши кўради» деган фалсафий ғояни кўтаради. Абдужаббор ушбу вазифани етук наққошлар гуруҳи билан маслаҳатлашиб, биргаликда ажойиб, мукаммал композиция тузади ва ўз олдига қўйилган мақсадга эришади. Меъморчиликдаги бу безакларда ўзига хос шундай композиция чизилганки, нақш тили орқали шаҳар ҳокими Ялангтўш Баҳодир афсонавий қаҳрамон, зиё тарқатувчи, ўз халқига фидойи инсон эканлиги моҳирона акс эттирилган. Айниқса, наққош дунёда бўлиши мумкин бўлмаган ҳайвон; танаси-йўлбарс, боши шер бўлган афсонавий махлуқни тасвирлаган.

Композицияда биринчи шакл – шерсимон йўлбарс, иккинчиси – оҳу боласи, учинчиси қуёш тасвири яққол кўзга ташланади. Композициядаги, қаҳрамон бу шердир. Асосий қаҳрамон – шерни наққош афтидан икки ўринда, яъни биринчидан кўпликда инсонларни, иккинчи ўринда Ялангтўш Баҳодирни рамзий маънода ифодалаган. Демак, Ялангтўш Баҳодирнинг сурати ва сийратини ҳамда туғилган йили ва ой, куни нақш тили билан ёзилган.

Бунинг учун биз тарихга мурожаат қиламиз. Тасвирнинг астрология (мунажжимлик) илми билан боғлиқлиги ҳақида тўхталиб ўтамиз. Мунажжим илми бўйича буюк донишмандлар шундай дейдилар:

«Юлдузлар ақлсизларни бошқаради, оқиллар эса ўз юлдузларини» (Фалес);

«Инсон қачонки ўзлигини англаб етса, ўзини билсагина озод бўлади. Уни фақат ана шу билим озод қила олади» (Гегель);

«Дунё аъло даражада мойлаб қўйилган механизм ва уни кимдир ҳаракатга келтириб туриши аниқ» (Рене Декарт).

Астрология, илми нужум (арабча – мунажжимлик илми) – айрим кишилар ва халқлар тақдирини осмон ёриткичларининг вазиятларига қараб айтиш билан шуғулланадиган таълимот. Қадимда Сурия, Бобил, Миср, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистонда ва ўрта асрларда Арабистон, Эрон ва Марказий Осиёда кенг тараққий этган.

Хулоса қилиб айтганда, асрлар давомида улкан маданий бойлигимиз, хусусан, ўзбек миллий халқ амалий безак сарҳадининг кенг тарқалган турларининг ўзига хос томонлари, мактаблари, бажариш технологияси, услублари, уларни яратган усталарнинг муборак номларини унутишга ҳаққимиз йўқ. Шу сабабли бу ноёб сарҳад дурдоналарини сақлаш, илмий ўрганиш, уларни ёшларга ўргатиш ва келажак авлодга етказиш муҳим вазифамиздир.

**Райҳон ТАНИҚУЛОВА**
**тайёрлади.**

ТАДБИРКОРЛИК

# Интилганга толе ёр

**Оқдарё туманидаги «Pichoqchi DRY Fruits» МЧЖ томонидан инновацион ва ижтимоий мажбуриятлари белгиланган ҳолда «Агротуризмни ривожлантириш, барча турдаги ҳўл ва қуруқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қабул қилиш, қайта ишлаш, қадоқлаш, сақлаш ва экспортга жўнатиш логистика маркази» қурилиши бошлаб юборилди.**

Ажратилган икки гектар ер майдонида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари учун 2 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш режалаштирилган. Шунингдек, ўттиз гектар ердан самарали фойдаланиш ҳисобига интенсив боғ яратиб, ёнғоқзор барпо этилмоқда.

Туманда, умуман Самарқанд вилоятида хориждан яъни АҚШ ва Туркиядан келтирилган тезпишар, оқмағизли, серҳосил, жаҳон бозорида талаб юқори бўлган «Чандлер» навли ёнғоқ кўчатларини маҳаллий шароитда етиштиришга катта эътибор қаратилган. Дарахтлар бўлиқ ҳосил бера бошлагач, ёнғоқзор ҳудудида замонавий технологиялар асосида маҳсулотни қайта ишловчи махсус завод қуриш ҳам мўлжалланган. Президентимизнинг 2017 йил 1 июндаги «Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасини ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги фармони бундай эзгу юмушларга қанот бағишлаётир.

– Барча саъй-ҳаракатлар мамлакатимиз раҳбарининг Оқдарё туманига ташрифидан кейин бошланиб кетди, – дейди жамият раҳбари Толибжон Абдужалилов. – Уй шароитида тадбиркорлик билан шуғулланиб, 1 миллион АҚШ долларидан ортиқ маҳсулот экспорт қилаётганимиз Президентимиз назарига тушди. Қолаверса мевани қайта ишлаш цехимиз туфайли икки йилдан буён «Ташаббус» кўрик-танловида ўз маҳсулотларимиз билан қатнашиб, кўрсаткичлар бўйича ғолиблик қўлга киритилаётгани – «Оилавий бизнес соҳиби»га айланганимиз бизни барчага танитди. Айни пайтда катта ўғлим Шодиёрхон билан ҳамжиҳатликда улкан вазифани бажаришга астойдил киришдик.

Аслида оилавий касаначилик Абдужалиловлар хонадони учун янгилик эмас. Толибжон 1998 йилдан буён якка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият юритиб, ёнғоқ чақиш, уни қайта ишлаб, сотиш билан шуғулланади. Бу юмушга қўни-қўшнилар, қишлоқдошлари, ҳатто бошқа туманлардаги таниш-билишларини ҳам жалб этган. Соҳага оид муҳим ҳужжатнинг қабул қилиниши ҳам Толибжоннинг жонига оро кирди, десак муболаға бўлмас. Фармондан сўнг у фаолиятини кенгайтириб, қадоқлашни йўлга қўйганлиги ютуқларга йўл очди. Доимий 14 нафар, мавсумий 30 нафар ишчи билан сифатли, бозори чаққон маҳсулотларини Туркия, Афғонистон, Озарбайжон, Белоруссия, Ироқ, Эрон, Бирлашган Араб амирлиги давлатларига экспорти бошлаб юборилди.

– Қишлоқдаги бир тадбиркор минг кишига намуна бўлиши, кўплаб оилаларга даромад олиб кириши ҳақиқат экан, – дейди қўшнилардан бири. – Толибжон ака, рафиқаси Санобар опанинг қистови, қизиқтириши туфайли аҳолининг катта қисми ёнғоқ мағзини тозалаш билан шуғулланмоқда. Худди бозорлардаги сингари чиройли қилиб чақилган, озгина ишланиб кўриниш бағишланган ёнғоқ мағзини харидорлар шу ернинг ўзида олиб кетишяпти. Хонадонларга тонналаб ёнғоқни мағзидан ажратиши учун маълум меҳнат ҳақи берилади, албатта. Яна бир жиҳати шундаки, ишлаганлар маблағдан ташқари ўша ёнғоқ пўчоғини ҳам ўзида қолдиришади. Мана, бугунги совуқ кунларда у ўтин ўрнига яхшигина иссиқлик воситаси ҳамдир. Халқимизнинг кўпчилиги шу орқали молиявий аҳволини ўнглаб олгани ҳеч кимга сир эмас.

Хуллас, «Ишлаганга минг танга», деганларидек меҳнатнинг катта-кичиги бўлмайди. Кимки унинг этагидан тутиб, чин кўнгилдан меҳр бериб, ишга киришса, бахт, толе унга ёр бўлиши, шубҳасиз.

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

*Газетанинг навбатдаги сони 2020 йил 4 февраль куни чиқади.*

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
Строитель Узбекистана

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

Бош директор – Дилшод Жалолов

Таҳрир ҳайъати:
Ботир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси),
Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов,
Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов,
Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

Таҳририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳиҳ – Райҳон Таниқулова

«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси,
«ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК,
«Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ,
«ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: 71-244-21-71 (қабулхона), 71-244-05-15 (котибият), 71-244-15-13 (таҳририят), 71-244-22-10 (бухгалтерия), 71-244-40-68 (реклама ва обуна бўлими).
E-mail: uzbunyodkori@umail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:
Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича: 90-278-95-87.
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича: 97-459-74-85.
Самарқанд вилояти бўйича: 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-153.
1933 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – Д. Жалолов.
Навбатчи – Б. Гулямов.
ЎзА якуни – 22.30. Топширилди – 01.30.
1 2 3 4 5 6